

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

О.Ш.ИСМАИЛОВ

**ЎЗБЕКИСТОН ОЗИҚ-ОВҚАТ
САНОАТИДА ТАДБИРКОРЛИКНИНГ
РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ**

ТОШКЕНТ – 2012

УДК: 664(575.1)
КБК 65.9 (5Ў) 09

О.Ш.Исмаилов. Ўзбекистон озиқ-овқат саноатида тадбиркорликнинг рақобатбардошлиги. Монография. –Т.: «Fan va texnologiya», 2012, 176 бет.

ISBN 978–9943–10–634–5

Ушбу монография Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг истиқболли тармоқларидан бири бўлган озиқ-овқат саноатини рақобатбардошлигини оширишга, тармоқда тадбиркорликни ривожлантиришга бағишлангандир. Мамлакатимиз озиқ-овқат саноатидаги илмий-техник тараққиёти, ривожланиш тенденциялари ҳамда уларни маҳсулотларини рақобатбардошлик даражасини ошириш муаммолари ва истиқболлари ўрганилган. Шу билан бирга Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолати батафсил ёритиб берилган.

Шунингдек мазкур соҳа бўйича илғор давлатларнинг тажрибалари атрофлича ўрганилган ва илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилган ҳамда озиқ-овқат соҳасини ривожлантириш бўйича илмий-амалий таклифлар берилган. Шу билан бирга ушбу монография озиқ-овқат саноатида тадбиркорликнинг рақобатбардошлиги, ҳамда мазкур соҳа билан боғлиқ кенг доирадаги илмий изланишлар олиб бораётган ёш олимлар, тадқиқотчилар шунингдек ушбу соҳа билан қизиқадиган барча китобхонлар учун мўлжалланган.

*ЎзРФА иқтисодиёт институти илмий Кенгашининг 2011 йил
12 декабрдаги қарорига асосан этилди.*

Масъул муҳаррир: и.ф.д., профессор **А.Ф.Расулев**

Тақризчилар: и.ф.д., проф. **Ф.Х.Назарова**
и.ф.д., проф. **А.Қодиров**
и.ф.н. **Д.М.Қурбонова**

ISBN 978–9943–10–634–5

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2012.

КИРИШ

Мулкчилик шакллариининг турли-туманлигига асосланган иқтисодий тизимга ўтиш иқтисодий тушунчалар ва тоифаларни ижтимоий нуқтаи назардан қайта баҳолашни тақозо этади, улар орасида “рақобат” тушунчаси алоҳида ажралиб туради. Жаҳон иқтисодий тажрибасининг кўрсатишича, рақобат иқтисодиётдаги бозор муносабатларини шакллантиришнинг асоси ва унинг ҳаракатлантирувчи кучидир. Рақобатга нисбатан назарий қарашларнинг эволюциясини кўриб чиқадиган бўлсак, турли даврларда, турли мамлакатларда ва иқтисодиётларда рақобат тушунчаси тадқиқотчилар томонидан турлича талқин этилганини кўриш мумкин. Шу билан бирга Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлаш, ҳар қайси мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритилган ёки яратган ўз мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган кафолатлар тизимини яратиш зарурдир. Шу аснода “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб – қоидалари тўғрисида”ги, “Рақобат тўғрисида”ги, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги янги қонунларни ишлаб чиқиш, тадбиркорликка оид амалдаги бир қатор қонунларни замон талабидан келиб чиқиб, янги тахрирда қабул қилиш белгиланди.¹

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги шароитларида давлатнинг халқаро ҳамкорликдаги тенг ҳуқуқли ишти-рокиннинг зарурий шартини миллий иқтисодиётнинг рақобат-бардошлигидир, шу муносабатда рақобатбардошлик муаммосини ўрганиш алоҳида долзарблик касб этади. Тегишлича, озиқ – овқат саноати ривожланиш муаммосини иқтисодиётнинг барча даражасида кўриб чиқиш учун рақобатли муносабатларнинг барча босқичлари таъсирини ҳисобга олиш зарур. Бунда рақобат муҳитининг ҳар бир даражаси ўзига хос омиллар, баҳолаш усуллари ва рақобатбар-дошликка эришиш стратегиясига эга. Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур тадқиқотда биз ҳар бир даражадаги рақобатбардошликни белгилаб

¹ “Тошкент окшоми” 63-сон. (11, 874), 2011 йил 31 март.

берадиган ҳамда миллий иқтисодий тизимимизнинг элементлари ҳисобланадиган омилларни ажратиб кўрсатишга ҳаракат қилдик. Давлат мулкининг хусусийлаштирилиши ва кичик бизнес ривожининг рағбатлантирилиши натижасида Ўзбекистонда янги ижтимоий қатлам – мулкдорлар синфи пайдо бўлди. Бу қатламнинг умумий сони қарийб 6,5 миллион кишини, жумладан, акциядорлар – 1,4 миллион, хусусий фермер хўжаликлари эгалари – 80,6 минг, шунингдек, деҳқон хўжаликлари ва даромад келтирадиган бошқа мулк шакллари эгалари (масъулияти чекланган жамиятларнинг низом жамғармасида ўз улушига эга бўлган шахсий корхоналар ва бошқалар) – 4,8 миллион нафарни ташкил этади.¹

Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, “Бугунги кунда республикамиз иқтисодиётининг деярли барча тармоқ ва соҳаларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш тадбирларининг кенг кўламда амалга оширилиши рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтормоқда. Бироқ, бу борадаги жиддий муаммо – маҳсулотларимиз таннархининг юқори даражада қолаётганлиги уларнинг рақобатдошлигига салбий таъсир кўрсатмоқда”².

Ўтиш иқтисодиёти шароитида рақобатнинг давлат томонидан тартибга солиниши сиёсати мамлакат рақобат кучлари ҳолатининг ҳал қилувчи омилдир. Бундан ташқари, ҳар бир рақобат кучининг ҳолати, бундай кучларнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлиги ҳамда ўзаро таъсирлашуви рақобатчилар фаолият юритадиган тармоқ тузилмаси билан белгиланади.

Республикамизда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда озиқ-овқат саноатининг ҳозирги ривожланиш даражаси қишлоқ хўжалигидаги аҳволга бевосита боғлиқ. Ушбу вазиятни ҳисобга олган ҳолда, биз аҳолини озиқ-овқат саноати маҳсулотлари билан таъминлашни қишлоқ хўжалигининг ривожланиши билан бирга кўшиб таҳлил қилдик.

¹ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий – ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1190-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011- 2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. Статистик тўплам. Т. –“Ўзбекистон” – 2011 й. 63 бет.

² Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи , 2010й. 30-январ. №21(4936).

Озиқ-овқат саноатида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар мазкур тармоқда янги мулкый муносабатлар шаклланиб бораётганини, унинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилаётганини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, озиқ-овқат соҳасини ривожлантириш учун хўжалик юритишнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни, товар ишлаб чиқарувчилар даромадининг ошишини, ҳалол ва виждонан ишлайдиган кишилар учун тегишли турмуш даражасини таъминлайдиган иқтисодий шароитларини яратиш зарур. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки давлатимиз ҳукумати томонидан яратилган қулай шарт-шароитлар натижасида 2010 йилда иқтисодиётнинг нодавлат секторининг улуши қуйидагича бўлди: мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини ишлаб чиқаришда – 81,7 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда – 91,0 фоиз, қишлоқ хўжалигида – 99,9 фоиз, қурилиш-пудрат ишларининг умумий ҳажмида – 89,6 фоиз, транспортда – 56 фоиз, савдо ва умумий овқатланишда – 99,9 фоиз. 1990 – 2010 йиллар давомида ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноатида ишлаб чиқариш ҳажми 13,4 баробар, озиқ-овқат саноатида – 5,7 баробар, енгил саноатда – 3,8 баробар ўсди.¹

Тармоқни бошқаришга кластерли ёндашув ягона технологик занжирнинг барча иштирокчилари билан хом ашё, ускуналар, ўрама-қадоклаш материаллари, охириги маҳсулот ва турли хил хизматлар сифати ва қиймати масалаларини биргаликда муҳокама қилиш ва келишиб олиш асосида маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш имконини беради. Маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини ҳамда тармоқ иқтисодиёти ва умуман давлатимиз рақобатбардошлигини таъминлашнинг асосий шартидир.

¹ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий – ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011- 2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. Статистик тўплам. Т. «Ўзбекистон», 2011 й. 63 бет.

**1-боб. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ТАРМОҚДА
РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
НАЗАРИЙ – УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

**1.1. Бозор иқтисодиётида рақобатнинг роли, моҳияти ва ўзига
хос хусусиятлари**

Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган иқтисодий тизимга ўтиш, иқтисодий тушунчалар ва категорияларни ижтимоий қайта баҳолаш заруратини келтириб чиқаради. Ана шундай тушунчалар ичидан “рақобат” тушунчасини алоҳида ажратиш мумкин. Жаҳон иқтисодий тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, рақобат иқтисодиётда бозор муносабатларини шакллантиришнинг асоси, ҳамда уларни ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

Рақобатга нисбатан назарий қарашлар эволюциясини кўриб чиқиш унинг турли даврлар, мамлакатлар ва иқтисодиётлар тадқиқотчилари томонидан турлича тушунилганлигини аниқлаб берди. Илмий адабиётда ушбу тушунчани хатти-ҳаракат, таркибий ва функционал жиҳатдан талқин этиш тушунилади.

Хатти-ҳаракат нуқтаи назардан талқин этиш этимологик негизлардан келиб чиқади, чунки лотин тилидан ўгирилганда «рақобат» тўкнашув, мусобақани англатади. А.Смит ўзининг «Халқлар табиати ва бойлигининг сабаби тўғрисидаги тадқиқот» (1776 й.) номли китобида рақобатга нархларни оширувчи (таклиф қисқарганда) ёки уларни пасайтирувчи (таклиф ортиқча бўлганда) хусусий рақиблик, дея таъриф беради. Бугунги кунда ушбу тушунчани хатти-ҳаракат нуқтаи назаридан тушуниш, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобат курашини такомиллаштириш йўналишида ривожланиш деб тушуниш, ҳамда ушбу ёндашувнинг ҳозирги вакили миллий рақобат устунликлари назариясини асосчиси америкалик иқтисодчи М.Портернинг («Рақобат стратегияси», 1980, «Рақобат устунлиги», 1985) ишларида ҳам ўз аксини топган.

Айни пайтда мазкур тушунчанинг таркибий талқини эътиборни, биринчи галда, бозор тузилмасини ва уларда рақобат

мавжуд бўлган иқтисодий шароитларни таҳлил қилишга қаратади. Ушбу талқиннинг асосида А.О.Курно («Бойликнинг математик тамойилларини тадқиқ этиш», 1838), Ф.И.Эджуорт («Монополия назарияси», 1933), Ж.Робинсон («Такомиллашмаган рақобатнинг иқтисодий назарияси», 1933), Э.Чемберлин («Моно-полистик рақобат назарияси», 1933) ва бошқаларнинг ишлари ётади. Мазкур олимлар бозорнинг тўртта асосий хили замонавий Ғарб назариясига асос солди: соф (такомиллашган) рақобат, монополистик рақобат, олигополия ва монополия. Ҳозирги вақтда рақобатнинг бундай талқини Ғарб иқтисодий фанида кучли нуқтаи назарларга эга бўлиб, П.Самуэлсон¹, Х.Зайдел², Р.Теммен³ каби машҳур иқтисодчиларнинг ишларида намоён этилган.

Рақобатни функционал тушуниш нуқтаи назаридан унинг бозор хўжалигидаги роли таъкидланади. И. Шумпетер рақобатни эскининг янги билан, яъни эски технологияларнинг янги технологиялар билан рақиблик қилиши сифатида таърифлайди. Айни пайтда Ф.Фон Хайек⁴ рақобатни “очиш тартиботи” дея номлади, бунда у туфайли яширинча нарсалар ошкор бўлади, яъни рақибликнинг кучайиши юз беради, бу компанияни мақсадга эришишнинг энг самарали усулини топишга мажбур қилади.

Иқтисодий ҳодиса сифатида рақобат турли хилларда намоён бўлади ва уни қуйидаги белгилар бўйича таснифлаш мумкин:

- шакл – такомиллашган ва такомиллашмаган;
- рақобат кураши усули – нарх-наво ва нарх-навосиз;
- ҳаракат соҳаси – тармоқ ичида ва тармоқлараро;
- иқтисодий фойдалилик – самарали ва самарасиз (ёки соғлом ва носоғлом);
- ҳаракат кенглиги ёки горизонтал рақобат кўлами ёки жуғрофий кўлам бўйича – маҳаллий (муайян жой доирасида), минтақавий, минтақалараро, миллий, трансмиллий, глобал;
- ҳаракат чуқурлиги ёки интеграциялашув даражасига қараб вертикал рақобат кўлами бўйича;
- объект – товар, технологик, меҳнат ва ҳ.к.;

¹ Самуэлсон П. Основы экономического анализа. – СПб: Экономическая школа, 2002

² Зайдел. Х., Теммен Р. Основы учения об экономике: учебник : пер. с нем. Г. И. Арутюнова, В. П.

Юденцов. - М. : Дело ЛТД, 1994.

³ Тамже

⁴ Хайек Ф. Индивидуализм и экономический порядок. — М.: Изограф, 2000

нархига таъсир этиш чекланган бўлиб, бошқа тармоқдан капиталнинг оқиб келиши эҳтимоли мавжуд.

Шу тариқа, соф рақобат ва соф монополия моделлари бозор тузилмасининг энг кескин вазиятлар сифатида кўриб чиқилади, иккита бошқа модел (олигополия ва монополистик рақобат) эса ўтқинчи шакллар ҳисобланиб, соф рақобат ва соф монополиянинг идеал моделлари ўртасида туради ва шунинг учун улар иккаласининг ҳам белгиларини ўз ичига олади. Агар идеал моделлар ҳақида гапирадиган бўлсак, улар турли хўжалик юритувчи субъектлар учун турлича.

Истеъмолчилар манфаатлари, шунингдек, мамлакат иқтисодиётининг самарадорлиги нуқтаи назаридан соф рақобат модели идеал ҳисобланиб, бошқа бозорларни баҳолаш учун стандартни ўзида намоён этади. Жаҳон иқтисодиётида соф рақобатга мисоллар мавжуд эмас, фақат айрим ўхшаш бозорлар мавжуд, масалан, АҚШда қимматли қоғозлар бозори. Бозорда монопол ҳокимиятга эришиш ҳар қандай тадбиркор бизнесининг чўққиси ҳисобланади. Рақобат ва монополия бозорда доимий равишда бир бирига қарама-қарши туради ва ушбу ҳолат жамиятнинг ҳам, иқтисодиётнинг ҳам ривожланишида тараққиётни белгилаб беради.

Монополиянинг иқтисодиётнинг ривожланишига таъсири масаласи юзасидан икки хил фикр мавжуд. Хусусан, рақобатнинг чекланиши юқори нархларга, ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқаришига, бозорнинг ривожланишидаги таркибий номутаносибликларга олиб келади. Айни пайтда монополия ишлаб чиқариш кўламидаги тежаш, технологияларнинг ривожланиши ва товарларнинг янги турларини ишлаб чиқиш натижасида солиштирма харажатларни пасайтириш ҳисобидан жамиятга фойда келтириши мумкин. МДҲ мамлакатлари иқтисодиётни ислоҳ қилиш тажрибаси бозорларнинг монополлашуви салбий оқибатларга олиб келишини кўрсатмоқда. Биринчи навбатда, бу ўз хизматларининг тарифларни кўтарувчи табиий монополистларга тааллуқли, бу бошқа маҳсулотлар нархларининг асоссиз тарзда ошишига олиб келади. Монополия иқтисодиётга фақат монополияга қарши тартибга солишнинг самарали механизми билан бир қаторда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ривожланган бозор муносабатлари юзага келган шароитда ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бир неча олигополист корхоналар ўртасида ҳуфёна келишув бўлиши мумкинлиги туфайли олигополия истеъмолчилар учун

тахдид солади, чунки монополияга қарши санкциялар олигополияга расман амал қилмайди. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда олигополия монополияга қараганда хавфлироқ. Ҳозирги вақтда бу рақобатнинг энг кам ўрганиб чиқилган модели ҳисобланади.

Рақобат курашининг усулларига қараб нарх-наво ва нонарх-наво кураши ажратилади. Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасида ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш орқали кўшимча фойда олиш учун рақиблик ва ўз навбатида маҳсулот ассортименти ва сифатини ўзгартирмаган ҳолда унинг нархини пасайтириш нарх-наво рақобати деб номланади. Унга қарама-қарши равишда нонарх-наво рақобати товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги товарнинг сифати ва ассортиментини ўзгартиришга, шунингдек, унинг ҳаётий циклини узайтиришга йўналтирилган ташкилий, илмий-техник ва инфратузилмавий омиллардан фойдаланиш орқали кўшимча фойда олиш учун курашни ўзида намоён этади. Жаҳон иқтисодиёт ривожланишининг ҳозирги шароитида «оғирлик маркази»нинг нарх-наво рақобатидан нонарх-наво рақобатига кўчиши рўй бермоқда, у, назаримизда, фақат ривожланган мамлакатлар учун хос, чунки аҳоли тўлов қобилиятининг пастлиги шароитида товар нархи уни сотишнинг ҳал қилувчи омили ҳисобланади.

Қамровига кўра рақобат тармоқ ичида корхоналар ўртасида товарларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг қулай шароитлари учун ҳам кечиши мумкин, бунинг натижаси ўлароқ бир хил товарларга бозор қиймати ва бозор нархи ўрнатилади. Тармоқлараро рақобат ҳолатида эса турли тармоқлар товар ишлаб чиқарувчилари капиталнинг бир тармоқдан бошқасига ўтишини таъминлаш орқали уни энг фойдали киритиш соҳаси учун курашади. Бунинг натижасида иқтисодиётнинг барча тармоқларида ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи томонидан ўртача фойда олинади.

Рақобатчилар кураши муайян ҳудуд чегарасида бўлса, яъни маҳаллий хусусиятга эга бўлганда, жуғрофий кўлам рақобатнинг ҳаракат кенглигини белгилаб берган ҳолда унга таъсир кўрсатади. Рақобатнинг бундай тури жумласига Тошкент шаҳрида корхоналарнинг нон ва нон маҳсулотларини пишириш бўйича рақобатни мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу ерда докановвойхоналар билан бир қаторда обинон пиширувчи хусусий новвойхоналар ҳам хўжалик фаолиятини амалга оширади. Маргарин маҳсулотлари бозори минтақавий ва минтақалараро рақобатга мисол бўлиши



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/678> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/678> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/678>